Наврўз Ахмадхон ибн Суюнчхожа

(?-1556, Самарканд)
(1551-1556)

Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент хокими Суюнчхожанинг кичик ўгли. Отаси вафотидан сўнг Тошкент хокими (1525-1551-й) сўнгра Мовароуннахр хони (1551-1556-й.). У ёшлигида Восифийдан шеърият, мусика, ашула, вазн ва назмдан таълим олган. Айни вактда чавандозлик ва харбий машклар билан кўпрок шугулланган. Барокхон ХВИ аср ўрталарида Бухоро хонлигида кучайиб кетган феудал курашдан фойдаланиб, Мовароннахрни кўлга киритиб олди. Сўнгра кўшин билан Шайбонийхоннинг жияни Мухаммад Рахимни Бухоро устига отлантирди. Лекин Мухаммад Рахим йўлда тўсатдан вафот этди. Унинг ўгли Бурхон султон отасига карашли харбий кисмлар ва мулозимлари билан Бухоро остонасига етиб келди. Айни шу вактнинг ўзида Барокхон Тошкентдан, Абдулатифхон эса Самаркандда Бухоро устига кўшин тортиб, охир-окибат уни эгалладилар (1540). Барокхон Бурхон султонни Бухорони бошкаришда вактинча хукмдор бўлиб турган Мухаммадёр султонга шерик килиб кўйди. Иттифокчилар (Барокхон ва Абдулатифхон) Бурхон султонни хам ўзларига кўшиб Миёнкол хукмдорлари Искандархон ва Абдуллахонга карши юриш бошладилар. Абдуллахон миёнколни Барокхонга колдириб, Балхга кетишга мажбур бўлди ва у ердан туриб амакиси Балх хони Пирмухаммадхоннинг ёрдами билан Барокхонга карши уч марта (1553,1554,1555) кўшин тортди, лекин хар гал маглубиятга учради. Барокхон Абдуллатифхон вафотидан кейин 1551-йилда Самаркандни хам эгаллади.
Шундай килиб, 1551-1556-йиллари Барокхон Мовароуннахрни Наврўз Ахмадхон номи билан идора килди. У ўз номидан пул зарб эттирди. Мовароуннахрнинг кўпгина шахарларида унинг номи хутбага кўшиб ўкилди. У ободончилик ишларига эътабор берган, мадрасалар курдирган(“Барокхон мадрасаси”-1531/32-XVI асрнинг 2-ярми). Хофиз Таниш Бухорийнинг ,,Абдулланима” асарида кайд этилишича, Барокхон 1556-йилда Зарафшон дарёсидан бошланган Даргом каналининг бош иншооти – Равотхожа тўгонини тузаттириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган. Унинг даврида Мовароуннахр билан Якин ва Ўрта Шарк мамлакатлари, Хиндистон, Хитой, Сибир ўртасида савдо-сотик, элчилик муносабатлари ривожланган.